

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик  
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги  
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг  
2017 йил 6 январдаги  
01-08-сонли буйруғи билан

## **ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЛАВОЗИМ МАОШЛАРИГА ОЙЛИК УСТАМА БЕЛГИЛАШ УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ” ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)**

#### **1.1. Хизмат номи**

Чет тили ўқитувчиларининг лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш.

#### **1.2. Хизмат натижаси**

Ойлик маошига устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи маълумотнома;

Ойлик маошига устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи маълумотнома тест синови натижасига мувофиқ тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялари бўйича 40 фоиз ва ундан юқори, ёзиш ва гапириш қўникмалари бўйича 50 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичларга эга бўлган ўқитувчиларга берилади.

#### **1.3. Хизмат кўрсатувчи орган**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази  
Тошкент ш., Боғишамол кўч., 12  
E-mail: [nafl@dtm.uz](mailto:nafl@dtm.uz)  
Веб-сайт: [www.nsfla.uz](http://www.nsfla.uz)

#### **1.4. Хизматни кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари**

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 31 октябрда 2520-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Давлат тест марказининг “Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2013 10 октябрдаги 01-339-сон буйруғи.

#### **1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Давлат таълим муассасаларида фаолият юритаётган чет тиллари ўқитувчилари

#### **1.6. Сўровнома берилиш муддати**

ҳар йили апрель ва ноябрь ойларида қабул қилинади

#### **1.7. Ижро муддати**

Белгиланган тартибга мувофиқ тест синовидан ўтиш учун ўқитувчилардан аризалар ҳар йили апрель ва ноябрь ойларида қабул қилинади. Тест синови май-июнь ҳамда декабрь-январь ойларида ўтказилади.

#### **1.8. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати**

Белгиланган тартибга мувофиқ тест синовидан ўтиш учун ўқитувчилардан аризалар хар йили апрель ва ноябрь ойларида қабул қилинади.

## **2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

### **2.1. Маълумотларнинг таркиби ва миқдори**

Тест натижалари тегишли таълимни бошқарув органларига юборилади, тест синовидан муваффақиятли ўтган ўқитувчиларга белгиланган шаклдаги Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома берилади.

### **2.2. Кенг доирада маълумот берилиши**

Хизматлар ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги маълумотни

- Тошкент ш., Боғишамол кўч. 12 манзилида;
- 235-74-85, 234-19-14 рақамли телефонлар ҳамда
- [www.dtm.uz](http://www.dtm.uz), [www.nsfla.uz](http://www.nsfla.uz) - веб сайтлари орқали

### **2.3. Сўровнома бўйича маълумот берилиши**

Сўровнома бўйича ёзма жавоб – 5 кун ичида,

Телефон орқали 9-00дан 18-00гача тест синовини ўтказиш тартиби бўйича оғзаки маълумот берилади.

### **2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш**

Интернет тармоғи веб-сайтлари ҳамда ДТМ расмий веб-сайти.

ДТМ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 12-уй, телефон: (0 371) 200-19-14. Мўлжал: метро “Бодомзор” бекати.

### **2.5. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар**

Тест синовида иштирок этиш учун белгиланган шаклда ариза берилади, ижобий натижа кўрсатган ўқитувчиларга Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома берилади.

## **3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ**

### **3.1. Иш вақти**

Иш вақти 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

### **3.2. Кутиш шартлари**

Ойлик устама олиш учун тест синови ариза қабул қилинган кунидан бошлаб икки ой ичида ўтказилади.

## **4. ХИЗМАТ КўРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ**

### **4.1. Талаб қилинадиган ҳужжатлар**

Ойлик устама олиш учун тест синовидан ўтиш мақсадида ўқитувчи тест синовида иштирок этиш тўғрисидаги аризасини тақдим этади, унда ўқитувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, тест синови топширадиган тили, паспорт маълумотлари, рўйхатдан ўтган манзил ва яшаш манзили, телефон рақами, шахсий электрон почта манзили, иш жойи, соғлиғи ҳақида қўшимча маълумотлар кўрсатилади.

### **4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати**

Тест синовларидан муваффақиятли ўтмаган ёки тестда иштирок этиш учун ариза бериб, тест синовида узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган ёхуд тест синовида кечикиб келган ёки тест синовидан четлаштирилган ўқитувчи тест синовларини навбатдан ташқари қайта топшириши мумкин. Бунда тест синовларини қайта топшириш учун ўқитувчи томонидан

қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида тўлов тўланади.

Ҳар уч йилда топшириладиган навбатдаги тест синовлари учун ўқитувчилардан тўлов ундирилмайди.

#### **4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари**

1-босқич. Ойлик маошига устама ҳақ олиш учун тест синовида қатнашиш истагини билдирган педагоглардан on-line ариза қабул қилинади.

2-босқич. Тест синовларида иштирок этадиган педагоглар базаси шакллантирилади.

3-босқич. Тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялари ҳамда ёзиш кўникмаларини баҳолаш бўйича тест синови ўтказилади.

4-босқич. Гапириш кўникмасини баҳолаш бўйича синов ўтказилади.

#### **4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари**

Хизматни кўрсатиш бўйича ДТМнинг бошқа ички-идоравий жараёнлари кўзда тутилмаган

#### **4.5. Рад этиш асослари**

Тест синовларини қайта топшириш учун ўқитувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тўловни тўламаслик.

### **5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ**

#### **5.1. Сифат кўрсаткичлари**

Ҳар бир ўқитувчининг аризаси қабул қилинади, маълумотлар базасига киритилади, таҳлил қилинади ва тест топширувчилар рўйхати шакллантирилади.

#### **5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят**

Тест синовлари натижаларидан норози бўлган ўқитувчилар тегишли босқичлар бўйича натижалар эълон қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.